

воситаси ва юкини хусусияти, ҳолатининг ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йуналишдаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак, транспорт воситасини тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имконини бериши кераклиги, ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятида бўлган хавф, тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасини тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”, деб кўрсатилган қоидаларга амал қилмасдан ушбу қоида талабларини қўпол равишда бузиб, [] бошқарувида бўлган мотоцикл билан тўқнашиб, йўл транспорт ходисаси содир қилиб, [] ва [] автомашинаси олд йўловчи ўриндиғида кетаётган [] тан-жароҳати олишига сабабчи бўлган.

РСТЭИАМСФ [] тумани суд тиббий экспертизасининг [] йил [] июль кунги № []-сонли хулосасига кўра фуқаро [] танасида яъни чап моякни лат ейиши, ёрғоқ соҳасида қонталаш, бурун устида лат яра, бош мия чайқалиши, ўнг қўл кафтини чиқиши, ўнг қўл иккинчи кафт суягини очиқ синиши, ўнг томонлама ўтирғич суягини синиши, ўнг қўймия косасини олдинги деворини синиши каби тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, ўтмас қаттиқ жисмлар, яъни ҳаракатда бўлган автомашина ва мотоцикл тўқнашуви оқибатида автомашина салони ичидаги бўртиб чиққан қисмларга танани урилиши натижасида етказилган бўлиши мумкинлиги, тан жароҳатлари умумий меҳнат қобилиятини салмоқли қисмини яъни учдан биридан кўпроғини турғун йўқотилишига сабаб бўладиган оғир тан-жароҳатлари гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

РСТЭИАМСФ [] тумани суд тиббий экспертизасининг [] йил [] июль кунги № []-сонли хулосасига кўра фуқаро [] танасида яъни энгак соҳасида шилинма, ўнг томондан иккинчи қовурғани силжимасдан синиши каби тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, ўтмас қаттиқ жисмлар, яъни ҳаракатда бўлган автомашина ва мотоцикл тўқнашуви оқибатида автомашина салони ичидаги бўртиб чиққан қисмларга танани урилиши натижасида етказилган бўлиши мумкинлиги, тан жароҳатлари соғлиқни олти кундан кўп, аммо йигирма бир кундан кам бўлган муддатга бузилишига сабаб бўладиган енгил соғлиқни бузилишига сабаб бўлган тан жароҳатлари гуруҳига киришлиги қайд қилинган.

Йўл транспорт ходисаси натижасида [] тегишли мотоциклга етказилган зарар миқдори [] сўмни ташкил



